
Пасткиқўриқнинг 3 минг 200 метрли янгиланган равон йўллари маҳалла кўркига кўрк қўшди

Равон йўллар-юрт кўрки, маҳалла фаровонлигидан далолат. Ўзбекистон туманидаги қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан аҳоли таклифлари асосида ички йўлларни созлаш, электр ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш тадбирлари айна қизғин жараёнларда.

Бу борада, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасидаги вазифалар ижроси қишлоқ ва маҳаллалар кўркига кўрк қўшмоқда.

Хусусан, айна қарор асосида туманнинг “Пасткиқўриқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 3 минг 200 метр ички йўллар ҳам созланиб, асфальт ётқизилди ва ҳудуд аҳлининг кўп йиллик муаммосига ечим, қувончига эса сабаб бўлди.

2023-04-20 08:59:22